



Куръон хомилларининг ахлоки (16-кисм)

(Давоми...)

Куръонни чиройли овозда ўқиш хақида боб

1. Фазола ибн Убайд (розияллоху анху)дан ривоят қилинади. Расулulloх

(соллаллоху алайхи васаллам): «Аллох Куръонни чиройли овозда ўқиган кишини кўшикчи чўриси бор хожанинг чўрисига кулок тутганидан кўра яхшироқ тинглайди», дедилар. [1]

2. Барро ибн Озиб(розияллоху анху)дан ривоят қилинади. Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам): «Куръонни овозларингиз ила зийнатланг», дедилар. [2]

Мухаммад ибн Хусайн айтади: «Кимни Аллох Куръонни чиройли овозда ўқиш билан ризклантирган бўлса, у Аллох таоло уни буюк яхшилик билан хослаб ажратиб олганини яхши билиши лозим. Бас, шундай экан, Аллох унга берган бу хусусиятнинг кадрили билсин, махлуклар учун эмас, Аллох учун ўқисин. Мол-дунё илинжида бўлиб, эшитганлар наздида хурмат қозониш мақсадида тингланишга, дунё одамлари олдида яхши мактов ва мартаба топишга ҳамда халқни кўйиб, амалдорларга намоз ўқиб беришга майл қилиб интилишдан эҳтиёт бўлсин. Кимнинг нафси ушбу мен қайтарган нарсаларга мойил бўлса, унинг овозининг чиройлилиги ўзининг зиёнига фитна бўлади, деб кўркаман. Зотан, овозининг чиройлилиги у ичу ташида Аллох азза ва жалладан кўрккандагина ҳамда гафлат ахли ўз гафлатларидан уйғониб, Аллох кизиктирган нарсаларга интилишлари ва У Зот қайтарган нарсалардан қайтишлари учун ундан Куръон тингланишини мақсад қилиб олгандагина унга манфаат беради.

Кимнинг сифати мана шундай бўлса, у овозининг чиройлилигидан манфаат топади ва одамлар ҳам ундан фойда оладилар.

1. Жобир (розияллоху анху)дан ривоят қилинади. Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам): «Одамларнинг энг овози чиройлиси унинг ўқиганини эшитганингда уни Аллох азза ва жалладан кўркяпти, деб ҳисоблаганингдир», дедилар.

2. Зухрий айтади: «Набий (соллаллоху алайхи васаллам)нинг «Ўқиганини эшитганингда уни Аллохдан кўркяпти, деб ўйлаган кишинг одамлар (ичида) Куръонни энг чиройли овозда ўқигувчилардан ҳисобланади», деганларининг хабари бизга етган». [3]

Мухаммад ибн Хусайн айтади: «Кўшиқчилар жорий қилган оханг ва овозда кироат қилишни макрух деб биламан. Чунки бу иш Язид ибн Хорун, Асмаъий, Ахмад ибн Ханбал, Абу Убайд ал-Косим, Суфён ибн Уяйна ва бошқа кўплаб уламоларнинг наздларида макрух саналади. Уламолар корини қачон Куръон ўқиса, махзун бўлишга, йигламсираган холда, қалбида Аллохдан кўркинч билан бўлишга буюрганлар».

1. Абдурахмон ибн ас-Соиб айтади: «Саъд ибн Молик кўзи ожиз бўлиб қолганидан кейин биз тарафга келди. Мен унинг олдига салом бериб кирдим. Биз ўзаро борди-келди қилиб турар эдик. Бир куни у: «Мархабо, эй биродаримнинг ўгли! Эшитишимча, сен Куръонни чиройли овозда ўқир экансан. Мен Расулulloх (соллalloху алайхи васаллам)нинг: «Албатта, бу Куръон махзунликда нозил бўлди. Бас, қачон уни ўқисангиз, йигланглар, агар йиглай олмасангиз, йиглашга ҳаракат қилингиз. Уни оханг билан ўқинг. Ким уни охангламаса, биздан эмас», деганларини эшитганман», деди».

[4]

2. Абдуллох ибн Бурайда отасидан ривоят қилади. Расулulloх (соллalloху алайхи васаллам): «Куръонни махзунлик билан ўқинглар, зеро у махзунликда нозил бўлгандир», дедилар. [5]

Мухаммад ибн Хусайн айтади: «Куръон ўқиган (кироат) вақтида махзун бўлиши, йигламсираши, қалби кўркинчга тўлиши ҳамда махзунликни келтириш учун ваъда ва ваъидлардан эслатма олиши мустаҳабдир. Ахир, Аллох азза ва жалланинг мана шу сифатли кишиларни мактаганини ва уларнинг фазли ҳақида хабар берганини эшитмаганмисан?! Аллох азза ва жалла айтади: «**Аллох энг гўзал сўзни ўхшаш ва такрорланган китоб этиб туширар. Ундан Роббиларидан кўркадиганларнинг терилари титрар. Сўнгра уларнинг терилари ва қалблари Аллохнинг зикрига юмшар. Ана шу Аллохнинг хидоятидир. У ила Аллох хоҳлаган кимсани хидоят қилар. Кимни Аллох залолатга кетказса, бас, унинг учун хидоят қилгувчи йўқ**».

[6]

Сўнгра У Зот Куръонни эшитиб, қалби ундан кўркинчга келмаган кишини қоралаб шундай дейди: «**Бу сўздан сизлар ажабланасизларми? Ва қуласизлар-у, йигламайсизларми? Ва холбуки, сизлар бепарвосизлар**».

». Яъни гофилсизлар.

Шунингдек, кироат қилувчи киши Куръонни Аллох таоло амр қилганидек, тартил билан ўқиши лозим: «**Ва Куръонни тартил қил**». [7]

Ушбу оятнинг тафсирида «Яъни дона-дона килиб очик ўки», дейилган.

Билгинки, кори Куръонни тартил билан дона-дона килиб ўкиганида уни эшитган киши манфаат топади ва ўзи хам бундан фойда олади, чунки у буюрилганидек ўкимокда. Аллох таоло шундай мархамат килган: **«Ва Куръонни одамларга аста-секин ўкиб беришинг учун бўлиб кўйдик ва бўлак-бўлак килиб туширдик**

».

[\[8\]](#)

1. Миксам Ибн Аббос (розияллоху анху)нинг **«Ва Куръонни тартил кил»** оятининг тафсирида: «Яъни дона-дона килиб очик ўки», деганини ривоят килган.

2. Убайд ал-Мукаттиб Мужоҳиднинг **«Ва Куръонни одамларга аста-секин ўкиб беришинг учун бўлиб кўйдик ва бўлак-бўлак килиб туширдик**

» ояти тафсирида «Яъни шошилмай», деганини ривоят килган.

Мухаммад ибн Хусайн айтади: «Куръондан фикр ва тадаббур билан озгина ўрганиш тадаббур ва тафаккурсиз кўп Куръон ўкишдан менинг учун яхшидир. Зотан, Куръон, суннат ва уламоларнинг сўзлари мана шунга далолат килади.

1. Абу Жамра аз-Зубаъий айтади: «Ибн Аббосга: «Мен тез ўкийман, Куръонни уч кунда хатм киламан», дедим. У: «Менинг учун бир кечада Бакарани тадаббур ва тартил билан ўкишим сен айтганча ўкиганимдан яхшироқдир», деди».

Убайд ал-Мукаттиб айтади: «Мужоҳиддан кироати ва рукуъ-саждаси бир хил бўлиб, бири Бакара ва Оли Имронни, иккинчиси эса Бакаранинг ўзини ўкиган икки кишининг кайси бири афзаллиги хакида сўрашди. У: «Бакаранинг ўзини ўкиган афзал», деди, сўнг **«Ва Куръонни одамларга аста-секин ўкиб беришинг учун бўлиб кўйдик ва бўлак-бўлак килиб туширдик** » оятини ўкиди. [\[9\]](#)

Мухаммад ибн Хусайн айтади: «Куръон ахли мен баён килган ва таргиб этган гўзал ахлоқлар билан хулкланиши хамда улар учун мен қарих кўрган тубан ахлоқлардан узок бўлишлари лозиму лобуддир. Аллох Ўз фазлу қарами ила бизни хам, уларни хам тўғри

йўлга муваффақ килсин. Албатта, У Зот ҳар бир ишга кодирдир ва ижобат этишга муносибдир».

[1] Хадиснинг санадида бироз заифлик бор. Аммо у бошқа ривоятлар билан қувватланади.

[2] Бу хадисни Имом Бухорий, Абу Довуд, Насайй, Аҳмад ва Ибн Можалар ҳам ривоят қилишган. Имом Бухорийнинг таълиқида «Ким Куръонни оҳанг билан ўқимаса, биздан эмас», деган жумла, Мухаммад Найсабурийнинг «Мустадрак»ида эса «Зеро, чиройли овоз Куръоннинг гўзаллигини оширади», деган жумла зиёда қилинган.

[3] Бу хадисни Ибн Можа, Доримий ва Ибн Абу Шайбалар ҳам ривоят қилганлар.

[4] Хадиснинг санадида заифлик бор. Аммо унинг маъноси бошқа хадислар билан қувватланган. Уни Ибн Можа, Аҳмад, Абу Довуд ва Ҳокимлар ҳам ривоят қилганлар. Имом Бухорий ўз саҳихларида Абу Ҳурайра (розияллоҳу анху)дан ривоят қиладиларки, Расулulloх (соллаллоҳу алайҳи васаллам): «Аллоҳ чиройли овозли Набийнинг овоз чиқариб Куръонни оҳанг билан ўқиганини тинглаганичалик ҳеч бир нарсани тингламайди», деганлар.

[5] Бу хадисни Табарий ва Абу Яълолар ҳам ривоят қилганлар. Ибн Мардавайх уни Ибн Аббос (розияллоху анху)дан ривоят қилган. Аммо хадисда заифлик бор.

[6] Зумар сураси, 23-оят.

[7] Муззаммил сураси, 4-оят.

[8] Исро сураси, 106-оят.

[9] Буни Ибн Абу Шайба бошка йўл билан ривоят қилган.

Таржимон: Хасанхон Яҳё Абдулмажид